# Чирчиқ кимё-индустриал технопаркида учта янги резидент корхонанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

// 26.08.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/chirchiq-kimyo-industrial-tehnoparkida-uchta-yangi-rezident-




Давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Чирчиқ кимё-индустриал технопаркида учта янги резидент компания - "LYUDI I CIFRI", "TEG" ва "IOTA" МЧЖ ҚКларининг ишлаб чиқариш мажмуалари тантанали равишда очилди.




Маросимда Чирчиқ шаҳри ҳокими Муроджон Абдураҳимов, "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Евгений Коржиков, "Химград" технополиси вакиллари ҳамда ОАВ иштирок этди.




Таʻкидлаш лозимки, ушбу лойиҳалар мамлакатимиз ички бозори эҳтиёжларини қондириш, экспорт салоҳиятини ошириш, саноат тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

"LYUDI I CIFRI" МЧЖ ҚК — чакана савдо учун стеллажлар ва тегишли ускуналар ишлаб чиқаради.

"TEG" МЧЖ ҚК —темирйўл тармоғи учун микропроцессорли марказлаштириш тизимлари, шунингдек, автоматлаштириш ва телемеханика қурилмаларини ишлаб чиқаради.




"IOTA" МЧЖ ҚК — автомобил кондиционер тизимлари учун шланглар ва қувурлар ишлаб чиқарувчи корхона.




Ишлаб чиқариш қувватлари Европанинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган.Таъкидлаш жоиз, ушбу лойиҳалар доирасида 250 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.


Uzkimyosanoat
"O'zkimyosanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26


Uzkimyosanoat
CHIRCHIQ
Vatan uchun, millat uchun,
"O'zkimyosanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26




**“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати**